

Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Тошкент давлат юридик университетининг Коррупцияга қарши курашиш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида ташкил этувчи коллегиял орган ҳисобланади.

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ)нинг барча таркибий бўлинмалари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда ваколатли вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бўйруқлари ҳамда қарорларига амал қилади.

3. Комиссия ўз фаолиятини ТДЮУнинг таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар, шунингдек бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари

4. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент давлат юридик университетининг коррупцияга қарши курашиш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) ижро этилишини ташкил этиш:

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда иштирок этувчи ТДЮУ таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

ТДЮУнинг асосий кадриятларини ишлаб чиқиш, таркибий бўлинмалар томонидан ўз фаолиятларини мазкур кадриятлар асосида амалга оширилишини таъминлаш;

ТДЮУ ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

ТДЮУда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлигини оширилишини таъминлаш ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга имон берувчи ички назорат тизимини (комплаенс) жорий этиш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисида ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;

ТДЮУда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ТДЮУ фаолиятида тўлиқ шаффофликни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назорати механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш ва бу борада замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш;

ТДЮУнинг қабул (бакалавр, магистратура, масофавий) жараёнларида коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш бўйича аниқ мақсадли чораларни ишлаб чиқиш;

ТДЮУда бакалавр ҳамда магистратура таълим жараёнларига рақамли технологияларни янада чуқурроқ имплементация қилиш асосида, талаба ва ходимлар ўртасидаги визуал алоқаларни қисқартириш, дарс машғулотларини он-лайн кузатиш, талабаларга берилган билимларни ўзлаштирганлиги даражасини аниқлаш юзасидан ўтказиладиган синов (оралиқ ва якуний назорат)ларни рақамлаштириш имконини берувчи мавжуд платформаларни мунтазам такомиллаштириб бориш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш;

бакалавр ва магистратура талабаларининг Якуний Давлат Аттестация синовларида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ТДЮУда коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган амалий ишларни тарғиб қилиш бўйича ишларни амалга ошириш.

3-боб. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида ТДЮУнинг барча таркибий бўлинмлари учун мажбурий бўлган қарорлар чиқариш;

ТДЮУнинг барча таркибий бўлинмаларидан Комиссия ваколатига тааллуқли бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинмлар томонидан Дастурни ижро этилишини, Комиссиянинг кўрсатма ва топшириқларини бажарилишини назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тушган таклифларни кўриб чиқиш;

ТДЮУ раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш соҳасида таклиф ва тавсияларни мунтазам киритиб бориш;

коррупцияга қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир университет таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ТДЮУ фаолиятига тааллуқли қабул қилинаётган ҳар-қандай ички норматив ҳужжатлардаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш йўналишида ушбу ҳужжатлар таҳлилларига доир статистик ва бошқа ҳар қандай маълумотларни олиш ҳамда ушбу ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда иштирок этувчи ҳамда ТДЮУ бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш;

Комиссия фаолиятининг муҳим масалалари юзасидан ТДЮУда ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш учун ишчи комиссия ёхуд экспертлар гуруҳларини тузиш, шунингдек ушбу комиссиялар ва гуруҳлар ишига ҳар-қандай таркибий бўлинма тузилмаларидан мутахассисларни жалб этиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича ТДЮУ раҳбариятига таклифлар киритиш;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва ички тартиб қоидаларни бузган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларни тегишли турдаги жавобгарликка тортиш ҳақида ТДЮУ раҳбариятига таклифлар киритиш.

Комиссия тегишли чораларни кўриш, шикоят, аризаларни ўрганиш мақсадида масъул ходимлардан тушунтириш олишга ваколатли ҳисобланади.

Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Комиссия қуйидагиларга мажбур:

Дастурнинг самарали ижро этилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг коррупцияга қарши курашишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш бўйича қарорлари, ТДЮУ ректорининг ушбу йўналишдаги буйруқлари ва кўрсатмаларини ижро этилишини ташкил этиш;

расмий саналар ва байрамларда таркибий бўлинма раҳбарлари ва ходимлари томонидан совғалар ва пул кўринишдаги ҳар қандай моддий ва номоддий (илтимос ёки шахсий ташаббус билан бирор хизмат кўрсатиш) наф олиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича зарур чораларни кўриш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ва мониторингни мунтазам амалга ошириш.

Кенгашнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Комиссиянинг ишини ташкил этиш

7. Комиссиянинг шахсий таркиби ТДЮУ Кенгаши томонидан тасдиқланади.